

---

## Сайёр қабуллар: муаммоларни ҳал қилишнинг самарали механизми

Қува туманидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида Қува тумани ҳокими Халимжон Умаров иштирокида тумандаги 2-сектор штаби биносида “Сайёр қабул” ўтказилди.

Ўтказилган қабулда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қува тумани Халқ қабулхонаси мудирини, сектор раҳбарларини, ҳоким ўринбосарларини ҳамда тумандаги идора ва ташкилот раҳбарларини иштирок этишди.

Қабул чоғида фуқароларнинг мурожаатлари бирма-бир тингланди. Очiq ва самимий мулоқот тарзида кечган қабулда уй-жой, моддий ёрдам, бандлик, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, имтиёзли кредит олиш ва шу каби бошқа масалаларга оид мурожаатлар кўриб чиқилди.

Қабул давомида барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, масъуллар томонидан мурожаатлар жойида ҳал этилиб, айрим мурожаатларга ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар берилди. Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

2023-02-14 20:00:20